

## **“Сув хўжалиги менежменти” фанидан маъruzani ўқитиш технологияси**

### **7-Мавзу: СУВ ХЎЖАЛИГИ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

#### **1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси**

Вақти – 4 соат	Талабалар сони: 34-36 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	<p>1. Сув хўжалигига муаммоларни ечишда менежмент имкониятларидан фойдаланиш.</p> <p>2. Сув хўжалиги ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.</p> <p>3. Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари.</p> <p>4. Сув ресурсларини ҳавзавий бошқаришнинг афзалликлари.</p>
<p><b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Сув хўжалиги тизимини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари түғрисида билимларни ҳамда тўлиқ тасаввурни шакллантириш.</p>	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Сув хўжалигига муаммоларни ечишда менежмент имкониятларидан фойдаланишини изохлайди;</li> <li>- Сув хўжалиги ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини айтиб бера олади;</li> <li>- Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтиради;</li> <li>- Сув ресурсларини ҳавзавий бошқаришнинг афзалликларини тушунтириш;</li> </ul>
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, блиц-сўров, баён қилиш
Ўқитиш воситалари	Таянч матн, ўқув қўлланмалар, проектор, тарқатма материаллар, слайдлар, флипчарт, маркерлар, скотч.
Ўқитиш шакли	Жамоавий ишлаш. Гурух билан ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

## Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, Вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич. (10- мин.)	<p>1.1. Ўтган маърузада “Сув хўжалиги инфратузилмаси” уйга вазифа қилиб берилганлигини эълон қиласди.</p> <p>1.2. Мавзуни ўрганишда “Инсерт усули” дан фойдаланиб, матнни қуидаги белгилар билан белгилаб чиқиш кераклигини эслатади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>(v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.</li> <li>(+) – янги маълумот.</li> <li>(?) – мени ўйлантирид. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур. (1-илова).</li> </ul>	<p>Эшигади, тайёргарлик кўради.</p> <p>Талабалар топшириқ бўйича ўз фикрларини айтадилар.</p>
2-босқич. (20 мин.)	<p>2.1. Мавзу бўйича талабаларнинг билимларини мустаҳкамлаш мақсадида саволлар беради:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Сув хўжалиги инфратузилмаси ва унинг мазмунини тушунтириб беринг?</li> <li>- Сув хўжалиги инфратузилмасини ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат?</li> <li>- Сув хўжалиги инфратузилмаси ни такомиллаштириш йўллари нимадан иборат?</li> <li>- Раҳбар ходимларнинг бошқарув меҳнатини баҳолаш деганда нимани тушунасиз?</li> <li>- Сув хўжалиги ташкилотларида бошқарув меҳнатини оқилона ташкил этишининг асосий йўналишлари нимадан иборат?</li> </ul>	Саволларга жавоб берадилар
3-босқич. (40 мин.)	<p>3.1. 7-мавзуни эълон қиласди. Режаларини ёздиради.</p> <p>3.2. Маъруза режаси слайдлар ёрдамида мавзуни ёритади (2-5 илова).</p>	<p>Эшигади, ёзиб олади.</p> <p>Тинглайди, ёзиб олади.</p>
3-босқич. Якуний (10 мин.)	<p>4.1 Мавзу буйича умумий хулоса қиласди ва мустақил ишлаш учун саволлар беради (6-7 илова).</p> <p>4.3. Уйга вазифа қилиб Сув хўжалиги тизимини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари афзалликлари ва камчиликларини кўрсатиб беришини эълон қиласди. Қоидаларини эслатади.</p>	<p>Эшигади, аниқлаштиради.</p> <p>Топширикни ёзиб олади.</p>

## 1-илова

### “Сув хўжалиги инфратузилмаси” мавзусини ўрганишда “Инсерт усули” дан фойдаланиш

Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлайди.  
(+) – янги маълумот.  
(-) – мен билган нарсага зид.  
(?) – мени ўйлантириди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Инфратузилма				
Сув хўжалиги ташкилотлари				
сув ресурсларини бошқариш				
Сув ресурсларини ҳавзавий бошқариш				
ҳавзавий бошқаришнинг афзалликлари				

## 2-илова

Республикамида амалга оширилаётган аграр иқтисодий ислоҳотларнинг туб негизларидан бири  
- сув ресурсларидан самарали фойдаланиш йўлларини  
такомиллаштириш масаласидир.

- сув хўжалиги инфра-  
тузилмаларининг техник  
ҳолати етарли даражада  
такомиллашганлиги

- саноат корхоналари,  
комумунал- майший  
хўжаликларининг сувдан  
самарали фойдаланаётганлиги

**Сув хўжалигида мавжуд муаммоларни ечишда менежмент  
имкониятларидан кенг фойдаланиш  
яхши самара беради.**

**Буларни қўйидагиларда эътироф этиш мумкин:**

- сувдан оқилона фойдаланишнинг муаммоларини ҳал қилиш мақсадида менежмент, “Суғориладиган ерларнинг мелиорацияси”, “Дехқончилик”, курсларини илғор услубларидан фойдаланиш, уларни амага ошириш зарурлигини иқтисодий асослаб бериш асосида сувдан фойдаланиш коэффицентини ошириш йўлларини белгилаб беради;
- сув хўжалигида ташкилий тадбирларни ишлаб чиқиб, меҳнат тақсимоти ва кооперацияси, унинг рационал шаклларини асослаб беради;
- илғор услублардан фойдаланиб, сув хўжалиги соҳасидаги ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишни иқтисодий жихатдан асослаб беради;
- сув исрофгарчилигига йўл қўймайдиган технологияларни (томчилаб суғориш тизими, оралатиб суғоришнинг янги услублари) уларни қўллаш соҳаларини оптималлаштириш асосида жорий этиш йўлларини белгилаб беради;
- йирик насос станцияларида, сув омборлари ва гидротехник иншоотларида компьютер технологиялари хамда бошқа электрон техникалардан фойдаланишни кўзда тутувчи бошқаришнинг масофавий автоматлаштирилган тизими мажмuinи яратиш ва жорий этиш йўлларини белгилаб беради;
- турли сувни тежовчи хориждаги ва ватанимиздаги технологияларни тажрибайи асосда синовдан ўтказиш йўли билан Ўзбекистон шароитида қабул қилиш мумкин бўладиган энг самарали технологияларни республика сув хўжалигида кенг кўламда жорий этишни иқтисодий жихатдан асослаб беради;
- суғориш иншоотларини қуришнинг янги материалларини қидириб топиш, тажриба участкаларини синовдан ўтказиш, улардан суғориш тизимини эксплуатация қилишда фойдаланиш бўйича техник ҳужжатларни тайёрлаш ишларини амалга оширади.

#### **4-илова**

### **Ўзбекистон Республикасида сув хўжалигини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари қуидагилардан иборат:**

- сув ресурсларининг заҳиралари жуда чекланганлиги.
- сув ресурсларининг худудлар бўйича турлича тақсимланганлиги.
- сув ресурсларининг ҳосил бўлиши кўп жиҳатдан табий иқлим шароитларига боғлиқлиги.
- сув ресурларини бошқариш давлат аҳамиятига моликлиги.
- сув хўжалигининг мавсумий характерга эга эканлиги.
- ирригация ва мелиорация иншоотларини қуриш ва таъмирлаш ишларини тўлиқ амалга ошириш, кўп жиҳатдан давлат томонидан ажратиладиган маблағлар миқдорига боғлиқлигидир.

#### **5-илова**

### **Сув хўжалигини бошқаришни такомиллаштиришнинг объектив зарурияти қуидагилардан иборат:**

- иқтисодиётнинг барча тармоқлари сингари сув хўжалигида ҳам бозор муносабатларининг шаклланиши;
- турли мулкчилик шаклларидағи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг вужудга келиши;
- сув ресурсларининг заҳиралари чекланганлиги боис ундан самарали фойдаланишини ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг суғориш сувига бўлган талабининг ўсиб бориши;
- ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга оширишда давлат томонидан ажратилаётган маблағларининг етишмаслиги.

## **Хулоса**

Ўзбекистон Республикасида сув хўжалигини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

Биринчидан, сув ресурсларининг захиралари жуда чекланганлиги.

Иккинчидан, сув ресурсларининг худудлар бўйича турлича тақсимланганлиги.

Учинчидан, сув ресурсларининг ҳосил бўлиши кўп жиҳатдан табиий иқлим шароитларига боғлиқлиги.

Тўртинчидан, сув ресурларини бошқариш давлат аҳамиятига моликлиги.

Бешинчидан, сув хўжалигининг мавсумий характерга эга эканлиги.

Олтинчидан, ирригация ва мелиорация иншоотларини қуриш ва таъмирлаш ишларини тўлиқ амалга ошириш, кўп жиҳатдан давлат томонидан ажратиладиган маблағлар миқдорига боғлиқлигидир.

Буларнинг барчаси ўз навбатида сув ресурсларини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди ва мамлакатимизда бозор муносабатлари қарор топган шароитда, уларни бошқаришга алоҳида ёндашувни ва такомиллаштиришни тақозо этади.

## **Назорат саволлари.**

1. Сув хўжалигида муаммоларни ечишда менежмент имкониятларидан фойдаланиш деганда нимани тушунасиз?

2. Сув хўжалиги ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

3.Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

4.Сув ресурсларини ҳавзавий бошқаришнинг афзалликлари нимада?

**1-Топшириқ: Сув хўжалиги ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат? Сизнинг фикрингиз?**

ФСМУ технологияси ёрдамида йўналтирувчи тавсиялар асосида ечинг:

<b>Савол</b>	Сув хўжалиги ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат? Сизнинг фикрингиз?
<b>(Φ)-Фикрингизни баён этинг</b>	
<b>(С)-Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг</b>	
<b>(М)-Кўрсатган сабабингизни исботловчи мисол келтиринг</b>	
<b>(У)-Фикрингизни умумаштиринг</b>	

**ФСМУ технологияси қоидаси.**

Ушбу технология мунозаралари масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнигининг баҳс-муносабатларини ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда баҳслашишга ҳамда шу билан бирга баҳслашиш маданиятини ўргатади. Тарқатилган оддий қофозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор фикрларини баён этишга ёрдам беради.

**2-Топшириқ:**

**Т-жадвал**

**Сув ресурсларини ҳавзавий бошқаришнинг афзаликларини ва камчиликларини ёзib чиқинг?**

АФЗАЛЛИКЛАРИ	КАМЧИЛИКЛАРИ
?	?

**3-Топшириқ:**

**“Нилуфар гули” чизмаси ёрдамида сув хўжалигида муаммоларни ечишда менежмент имкониятларидан фойдаланиш омилларини аниqlанг.**

	<b>Менежмент имкониятлари</b>	

	<b>Сув хўжалиги тизими</b>	

	<b>Янги техника ва технологиялар билин жихозлаш</b>	